

АЁЛ ҚАДРИ УЛУГЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ



МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

*Аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиши
миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар
бекиз ёшарииш ва янгиланиш фасли – баҳорга қиёсланмайди.
Мамлакатимизда лобар, иродали, ишбилармон, истеъододли хотин-
қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.*

>>> 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар она-
хонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Шукухи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган
буғунги тантанамида иштирок этётган сиз,
нафосат олами вакилларини, бутун мамлакати-
миз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни би-
лан самимий табриклайман. Барчангизга чукур
хурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни
бидираман.

Аввало, оиласиз ва яқинларингиз баҳтига,
қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган
эл-юртимиз баҳтига соғ-омон бўлишингизни,
доммо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда
юришингизни тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини,
Аёл зотини Яратганинг улуг неъмати, тенгиз
мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-
асраб яшайди. Юртимиз заминидаги «Бибихо-
ним», «Қизбиби», «Модарихон», «Қирққиз»

мажмууси каби табаррук меъморий обидалар
ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан да-
лолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётiga
унтутилмас ва беқиёс ҳисса қўшган буюк
ажододларимизни дунёга келтириб, меҳр билан
тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлан-
тириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз
билиан албатта фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлат-
нинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли-

еканни унинг хотин-қизларга бўлган муносабати
ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга
эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ,
ва мафтаатларини таъминлаш, уларнинг икти-
содий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятини оси-
риш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси-
нинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисол-
ларга қаратмоқчиман.

«Ҳеч ким мөхр ва эътибордан четда қол-

майди» деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда
900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқти-
содий, тиббий, ҳуқуқий ва психологияк ёрдамлар
кўрсатилиди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2
триллион сўм маблағ йўналирилди. Хусусан, 18
мингга ёлларга ўй-жой ҳарайд қилиш учун 400
миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиди.
Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари
учун боғча ҳаражатларини бюджетдан қоплаш
тартиби жорий этилди.

>>> 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ор-
зу-интилишларини амалга ошириш, ўзининг иқтидори ва ибратли
фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва
тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган,
чукур билим ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиб, мухим
фоя ва ташабbusларни илгари суроётган, ижтимоий ҳаётда фаол-
лик кўрсатаётган қизларни мунособи рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аёло ҳулқи, ноёб истеъоди, зуққоли-
лиги, ташабbusкорлиги, ўқишидаги муваффакиятлари ҳамда таълим, фан,
адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳа-
ларидаги ва жамоатилик фаолиятида
эришган алоҳида ютуқлари учун Зул-
фия номидаги Давлат мукофоти билан
тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари
иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқул-
лансан.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақdirlanlanganlarga 8
март – Халқаро хотин-қизлар куни
муносабati билан ўтказиладigan
байram tantanalarida sovrindor-
lik diplomlari va kўkrak nishon-
lari topshirilsin.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия

вазirligiga Zulfija nomidagi Davlat
mukoфoti sovrindorlarining xар би-
riga basavil xisoblaш mikdorinining
50 baravarri mikdorida pul mukoфoti
beriliшини taъminlasin.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси xuzuridagi
Axborot ва ommavil kommunikatsiya
lar agentligi, Ўзбекистон Milliy ax-
borot agentligi, Ўзбекистон Milliy teledradiokompaniyasi va boшqa omma-
viv axborot vositalariga Zulfija nomi-
dagisi Davlat mukoфoti soҳibalari-
ning ibratli faoliyati, ularning noёb
isteъodi va erishgan yotuklarini keng
eritipi borish tawsiya etilsin.

5. Mazkur қарорning bажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси raҳbari Z.Nizomiddinov zimmasiga юклansin.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 5 март

Ш.МИРЗИЁЕВ



БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ



...Ушбу тизимда ишлаган инсон
сифатида яхши биламанки, шу
пайтгача юртимиз тарихида хотин-қизларимиз учун бу қадар
кенг имкониятлар берилмаган эди. Келинг, яхшиси, жорий эти-
лаётган янгиликлардан айрим-
лари опа-сингилларимиз тақ-
дирига қандай таъсир этиши
ҳақида мулоҳаза юритайлик...

5

Юксак мукофот МУБОРАК!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг
«8 марта – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисидаги» ги фар-
мони билан бир гурух аёллар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Улар сафиди Ўзбекистон
касаба ўюшмалари Федерациисининг ижтимоий
суғурта бўлими мудири Ниғора Ишанханова
ҳам бор.

Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси ва тизим фароллари самарали
мехнати, бой амалий тажрибаси билан юртимизда олиб боришига
лаётган туб ислоҳотлар жараёнда фаол
қатнашиб, ҳурмат-эътибор қозониб кел-
лаётган ўз касбining фидойиси Ниғора Ишан-
ханован юксак эътироф белгиси – «Шуҳрат» медали
билан чин дилдан кутлаб, унинг келгуси фаолиятида
улкан зафарлар тилайди.





*Сотиқни сақлаш
ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгашини
жамоаси*

Март



Сиз, азиз ва муҳттарам онахонларимизни, аёлларимизни,
опа-сингилларимизни ҳамда шу соҳада фидокорона меҳнат
қилаётган барча соҳа вакилларини баҳорнинг илк байрами –

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
билин чин қалдан муборакбод этади.



Фурсастан фейдаланиб, барганизга узоқ умр, сиҳат-
саломатлик, хонаденининг тинчлик-осойишталик,
ласпурхонининг қуттара, оиласини даҳт тилайшиз!
Ҳар бир күниниз байрам, ҳар бир ониниз даҳор бўйсин!
Демис даҳор иҷларидан-да чирейли, нафис, иҷзам ва дебакор
бўшишининг тилакдешлиш!

Омон МАТЖОН

ОНА ДЕГАН СҮЗ

Юлдузлардан сирқилиб шабнам,
Уғик билан кўришганда ер,
Офтобга кипригум билан
Она сўзни ёздим гўё шеър.

Аму оқар мисоли булут,
Уғик бўлиб оқади Аму,
Қирғонини этса ҳам унум,
Майсаларни унумтайди у!

Ҳар кўкат, ҳар баргнинг номига
У элтади тоғлардан таъзим,
Она деган сўзниң ёнига
Чизгим келди МАЙСАнинг расмин.

Капалак ранг, булбуллар оҳанг
Кашфи билан маст бўлганилайз,
Она сўзин қаватига ман
Ёзиб қўйдим БАҲОР деб аста...

Мен жо этдим Она номига
Ерни сўнгги гардигача то.
Энди Она сўзи ёнига
Дадил ёзиб қўяман: ДУНЁ!

Мен юлдуз деб уни куйлайман,
У Ватандир,
У Арии аъло.
Мен унга минг ташбек ўйлайман,
Етказурман миллионга ҳамто...

Ерда, лекин минг-минглаб одам
Она номин билса мұқаддас.
Уруш деган биргина сўдан
Оналарни сақлай олур бас!



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Азиз ва табаррук оналаримизни, лобар ва мунис
опа-сингилларимизни, юртимиш тараққиётниа мунносид
меҳнатлари билан ҳисса қўшаётган соҳа
аёлларини иҷзалик байрами –

8 марта – Халқаро хотин-қизлар куни
билин салимий қутлайди!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг поингга ғул отиб ҳам бўлди,
Хилматларда лабингдан бол томотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимлардир «халқ», дедилар,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Авваль: «Кел-эй, кучогимга тўйл, балқ», дедилар,
Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар,
Ичолмагач юз ўғириб, шур, талх, дедилар,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширап,
Жуфтимт бўл, – деб чопганини ҳар тоқ яширап,
Жаннатим, – деб қувонмасдан күмлөк яширап,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Ҳор келсанг-да, номардларга гоҳ ҳор келсанг-да,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Қимтинасан, астагина кўтаратасан бош,
Минг ўйлакидир кўзингдаги жавдираган ёш,
Гуноҳкорлар миңгу битта Сенга тегар тош,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!

Ҳарир, ҳушибўй баданингда тошлар изи бор,
Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор,
Күёши изи, күйдирган кўёшлар изи бор,
Сен барни бир мұқаддассан,
Мұқаддас Аёл!



**Бузунчи бахорий кунларорда сизларга бахт-саодат,
руҳий тетиклик, бахорий гўзаллик тилаймиз.
Ошлангиз бахтига доимо соғ бўлинг!
Қалбингииздағы ҳамма яхши
ниятларинги изжобат бўлсин!**



«Микрокредитбанк»
акциядорлик-тижорат
банки жамоаси

Юртимиз
аёлмариши



Оила ва жамият устуны, ҳаётимизнинг файзи ва күркі бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюқ қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Бугунги файズли кунларда тилагимиз шундай: оиласигиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз баҳтига ҳамиша соғ-омон бўлинг! Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин.

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак мөхри ва ардоғида бўлинг!

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
акциядорларининг диққатига!**

ЭЪЛОНЛАР

Хурматли акциядорлар!
«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгашы Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йилиши 2022 йил 30 марта куни, соат 11:00 дан бoshлаш. Тошкент шахри, Лутфий кўчаси, 14-йи манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залida утказилишини маълым қилиди.

Йилини кун тартиби:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йилинига тасдиқлаш, шунингдек, «Акциядорлар умумий йилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Бошқарув тўғрисидаги» низомларига ўзgartirishlar va kўsimchalarni kiritishi.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг янги таҳтиргидаги «Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ, ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги» низомини тасдиқлаш, шунингдек, «Акциядорлар умумий йилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Бошқарув тўғрисидаги» низомларига ўзgartirishlar va kўsimchalarni kiritishi.
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзgartirishlar va kўsimchalarni kiritishi.
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг янги таҳтиргидаги ташкилий тузимасини тасдиқлаш.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгашининг 2022 йил 1 марта даги мажлиси қарорига асосан акция-

дорларнинг навбатдан ташқари умумий йилишида иштирок этиши ҳукуқига эта бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 24 марта куни холатига ҳамда умумий йилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 1 марта куни холатiga тузилади.

Акциядорларни рўйхатта олиши 2022 йил 30 марта куни соат 10:00дан 10:50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йилишида шахснин тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахсномидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белgilanган тартибида, жисмоний шахсномидан берилган ишончнома нотариус тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йилишини видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилади, бу ҳақда кўшимча маълумот берилади.

Йилиши ўтказиш бўйича кўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлari билан юқоридаги манзилга ва қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкининг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Тел: 998 (71) 202-99-99 (13-16, 13-17)
Банк Кузатув кенгаши



Бухоро
вилояти

Ишчи гурӯҳ фаолияти

Баҳор нафасини келтирган ташаббус

Аёл қачон ўзини баҳти ҳис қиласди? Қачонки, оилада ҳаловат топса, соғлиғи мустаҳкам, ишида унум бўлади. Бироқ аёлларни қўйнаётган турли муаммолар, оғрикли масалалар борки, улар ечим топмас экан, жамият тараққиётiga ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказаве-ради.

«Аёллар дафтари» тизими ҳар бир аёлнинг муаммолини алоҳида тартибда ўрганиш ва ҳал этиш бўйича зарур чораларни белгилаш имконини яратди.

— Оиладаги майдо-чўйда муаммолар юки хонадон бекаларини эзib қўяди, — дейди Вобкент туманинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Юлдуз Зухурова. — Рўзгорда етишмовчилик бўлса, биринчи галда аёл қўйналади. Бола тарбияси билан шуғулланаштган оила бекасига мактаб ёки боғча таълимидаги оқсоқликлар ҳам ташвиш келтиради. Аёллар-боп иш топиш эса — энг катта муаммо. Хотин-қизлар муаммоларини аниклаша ва ҳал этишда «Аёллар дафтари» жуда кўй келмоқда.

Вобкент туманида «Аёллар дафтари» бўйича учинчи босқич хатлов жараёнлари яқуналганч, амалий ёрдам кўрсатиш бора-сидаги сайд-харакатлар бош-

лаб юборилди. Хусусан, 6 тоифа бўйича рўйхатга олинган 2500 нафар хотин-қизларни 30 нафарига кредит ажратилипти, 20 нафарига томорқачалик учун ер ажратиш бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда. Тумандаги иккита йирик тикув цехига 160 нафар аёл синов муддати асосида ишга жойлаштирилди. Хотин-қизлар куни арафасида 50 нафар эҳтиёжданд хотин-қизга тикув машиналари тақдим этилди. Бундай байрамолди йўқлов кўнгли кемтик опа-сингилларимизни чин маънода қўвонтилди.

— Турмушим бузилгач, бир фарзандим билан ота уйимга қайдим, — дейди вобкентлик Зулайхо Туборова. — Қўйимда хунарим йўқ, онамнинг нафаси, уқаларимнинг наисбасиша шерик бўлиб яшаеман. Бу орада қалликортириб олгандим. Муаммолар гирдобида турганимда мутасаддилар белул тикув машинаси тақдим этиди. Ҳозир му-



йўклиги учун қўйналардим, — дейди Шалола Самандарова. — Шукр, бугун цехга тикувчи сифатида ишга қабул қилиндим. Ойлик маош ҳарна, рўзгоримнинг бир қисмини қоплади. Ишга жойлашиш мен учун энг яхши байрам тухфаси бўлди.

Мазкур лойиханнинг иккичи босқичи Наврӯз байрами олдидан ишга тушриларида ва тумандаги яна 100 нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Дилдора
ИБРОХИМОВА,
«ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Зулфия МўМИНОВА

Аёлга баҳт беринг...

Юртимизни барча
дилбар аёлмариши

8 марта — Ҳалқаро
хотин-қизлар куни

билим салимий муборакбод этади!

Фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиз
қубончи, хонадонларимиз кўрки бўлмии
азиз аёлмаришиз шаъния эни иўзал
тимакларимизни изҳор этамиш.

Илоҳим, баҳтинициз тўқис,
саломатлинициз мустаҳкам,
ҳаётинициз мудом нурафишон бўлсин!

Байраминиз
қутмуж бўлсин!



Аёлга баҳт беринг, саодат беринг, деманг, юрибди-ку кулиб, жилмайиб. Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, дунёни олиши мумкин жилмайиб. Аёлга баҳт беринг, саодат беринг, Гар кўзлари кулиб турса-да, Бўғзининг остида неча минг ҳасрат, Ой юзлари кулиб турса-да, Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганди, Кўлини силашига шарофат топинг. Илғлаб турганида ҳеч бўлмаганди, ёшини артишига муревват топинг. Ногоҳ ерга тушса оптоқ рўмоли Босиб ўтмасликка шафоти топинг, Ҷақалоқ ялаган этакларини Тоза деб айтисига адолат топинг. Аёлга баҳт беринг, саодат беринг, деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб. Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, дунёни олиши мумкин жилмайиб. Аёлга баҳт беринг, саодат беринг, Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг. Иллоҳи баҳт берганди аёл ёнидан Баҳтиёр ўтмоққа иноят топинг. Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳи кўргонсиз, Ғийбатлар ўиртмасин кўйлаккинасиз, Иллоҳи хушёрсиз, иллоҳи бедорсиз. Итлар тишламасин юраккинасиз. Аёлга баҳт беринг, саодат беринг. Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да, Аёлга баҳт беринг, саодат беринг. Олтмишига кирса-да, юзга кирса-да...



Халқ орасида «алла» сўзи «Аллоҳ» исмидан, тўдак қулоғига «Аллоҳ» исмини сингдириш учун шундай айтилган, деган қараш бор. Ш.Рахматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да эса «алла»га шундай изоҳ берилган: «Бу от қадимги туркий тилдаги «тинчланиш» маъносини билдирган ала (ала-ала) ундов сўзидан ўсиб чиқкан; ўзбек тилида «а» ўнлилари «ә» ўнлиларига алмашган, «л» ундоши қатланган: ала-ала-алла-аллә».

Kошгариининг «Девону луғот-турк» асарида «ала» сўзи бор ва шундай изоҳланган: «ала – сенин, шошилмай; ала-ала дейдилар. Сенин-секин, аста-аста. Бу сўзга «к», «л» кўшиб «ола кел» ҳам дейилади». Ушбу изоҳдан англашилади, «ала» сўзи бирор иш-ҳарқатни секинлаштириш, айтилник, шошаётган, фазабланетган одамга нисбатан тинчлантириш мақсадида айтилган бўлиши мумкин. Аммо ухлётган болага «ала-ала», яни «сенек-секин» дейиш гализроқ туюлади.


«Девон»да Кошгарири «алла» маъносида бошқа бир сўзни келтиради:

«балу-балу» – оналар боласини бешида ухлатиш учун кўллайдиган ала ўрнидаги сўз». Агар «алла» туркий этимологияга эга бўла, айнан ана шу «балу-балу»дан кейинчалик алу-алу, яалла-алла шаклларига ўтган бўлиши экти-моли кўпроқ. Қолаверса, татарларнинг бешик жирида ҳозир ҳам мавжуд бўлган «алла-блэли, буз-бэу, бэллу-бэу» каби айтиллар – «балу-балу»дан «алла-алла»га ўтиш боқсичини ифода этиши мумкин.

«Балу-балу» русларнинг «баю-бай»сига ҳам ўхшаб кетади. Бу сўздан рус тилида «убаюкат», яни «алла айтиш» феъли ҳам исалган. Макс Фасмернинг «Этимологический словарь русского языка» лугатида «баю» ва «(у)баюкат» сўзларига берилган изоҳ, бизнингча, қониқарли эмас. Хусусан, М.Фасмер мазкур сўзларни бир ўринда «гапириш» маъносидаги славянча «баятъ» феълидан деса, бошқа ўринда туркий «бай» («бой») билан алоқадор деган фикр билдирган. Аслида, русча «баю баюшки баю» кўпроқ рус казакларига тегиши бешик айтилмидир. Мазлумки, «казак» исмийнинг ўзи туркий сўз «Бобурнома»да ҳам «казак» сўзини кўп учратамиз. Шунингдек, казаклар орқали рус тилига «атаман», «есасул» («ясовул»), «кош», «курен» («кўч», «кўрон»), «домбра» («дўмбира») каби юзлаб туркий сўзлар ўтгани маълум. Эҳтимол, М.Фасмер «Девону луғот-турк»даги «балу-балу»дан хабардор бўлмагандир. Аммо «Девон»даги ушбу

Оналар қўшиғи

Дунёдаги энг севимли,
энг маҳзун
ҳам майин қўшиқ
бу – алла!



Тил сандифи

ҳам шундай товуш бўлиши мумкин. Айниқса, бошқирдларнинг бешик жирида бу товушлар яқол кўзга ташланади: «алли(х), элли(х)у вуув, вэлийи-вэлэйи вай, эвэйи-эвэйи вэй».

Қозок, ва кирғизлардаги «алди ай алди» – ўзбекча «алла ё алла»нинг қозоқ ва кирғиз тилларига мослаб қабул қилинган шакли экани англашилади. Айтилник, «мұлла» сўзи ҳам қыргыз ва қозоқ тилларига «мольдо» шакида, иккинчи «л» товши «д»га айлантириб қабул қилинган.

Озарбайконлар эса аллани – «layla» дейишиади ва «алла» ўрнида «лай-лай» деб кўйланади. Бунда эрончи ала – «лай-лай» таъсири сезилади. Демак, Эрон ва Озарбайжонни бир алла ҳудудига мансуб дейиши мумкин.

Аммо турк «тўдак аллалари» («bebek piñiläri») фарқли кўрнишига эга. Туркларда чақалоқ тилидан олинган сўз – piñni – «алла» маъносини билдиради, «dandini dandini danali bebek», деб бошланадиган туркча асосий алла кўшиғидаги «dandini»есса французча: «тебратмок, кўнгироқни ипидан тортиб ҳаракатга келтирмоқ, дангилитмоқ» маъносидаги «dandiner» сўзининг турккага ўзлашган шаклидир. Бу эса туркча «dandini» қўшиғи кейинчалик пайдо бўлганидан дарак беради.

Бизнингча, «алла» сўзи исломдан кейин пайдо бўлган ва «Аллоҳ» исми зикри билан алоқадор, деган фикр ҳақиқатга киёнрок. Мазлумки, ўтмишда болалар ўлимни ниҳоятда кўп бўйган, шу боси фарзанди соғлигини Аллоҳдан тилаған оналар тилида «Аллоҳ» зикри кўшиққа айланган бўлиши мумкин.

Шунингдек, «алла»нинг сўзида «ла-ла» ҳам ўхшаши, бэззи оврўпо тиллари, хусусан, инглиз тилида «лалабай» («lullaby») дейишиши, барча ҳолатларда «л» товушининг иштирико ва такорлаби келиши, улар қадимий бир архетипга бориб тақалиши мумкин, деган фаразига ҳам олиб келади.

Хуллас, тилимиздаги «алла» сўзининг келиб чиқишида юқорида кептирилган далилларнинг бирортаси ёки ҳаммасининг қисман таъсири бўлиши мумкин. Нима бўлишидан қатби назар, халқ оғзаки ижодининг бу тури жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган ва бигзача этиб келган энг биринчи алла – бу бундан тўрт минг йил аввал сополга миҳнат этиб ўйилган шумерларнинг алласидир.

Абдувоҳид ҲАЙИТ,
филология фанлари номзоди



«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИКОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улубек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМОХУТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурут СОБИРОВ,
Суҳроб Ра菲қов,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Хамидулла ПИРИМКУЛОВ,
Нодира ФОЙИБНАЗОРОВА,
Анвар КУЛМУРОДОВ
(боши мухаррирнинг
биринчи ўринчиси),
Мехридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош мухаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўйлумлар:
Касаба ўюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Хукуқ ва ҳалқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-мавнавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва мухбиrlар
билин ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билин танишининг
мумкин.

Худудлардаги мухбиrlар:
Қоралжалогистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андикон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Букоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкен вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондад вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
мъалумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят
нукти назаридан
фарқланиши мумкин.

Навбатчи мухаррирлар:
Ж. Наҳонов,
С. Абдураҳмонов

Мусахҳилар:
Д. Ҳудойберганова,
У. Ҳудойберганова

Саҳифалочи:
Ҳ. Абдузалилов

Босишига топшириш вақти – 00:30
Топширилди – 02:30

Газета оғсет усулида,
А-2 форматида босиди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Бўйроти V- 5055
34419 нусхада босиди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-йд.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета хафтанинг сесанба,
пайшаби ва шабба кунлари кикади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида териди ва саҳифаланди.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаба ижодий
уий босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Алишер Навоий кўчаси 30-йд.

Таҳририят ҳисобраками:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 20113889,
ОКЭД: 58130



Аёл – оиласингина эмас, жамиятнинг ҳам гултожи. Аёл меҳнат қилаётган қайси соҳа, қайси жабха бўлмасин, албатта у ердан меҳр ва нафосатнинг ифори таралади.

8 марта – Халқаро хотин-қизлар куни

муносабати билан мамлакатимизнинг барча аёлларини, шу жумладан, Самарқанд вилояти тиббиёт соҳасидага меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни қизғин муборакбод этамиз!

Эл саломатлиги ўйлидаги шарафли ишларнингга омадлар ёр бўлсин!

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА ЎЮШМАСИННИГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Абдусаид КЎЧИМОВ

Мен аёл зотини мүқаддас билди,
У Момо Ҳабонини дуюк авлоди.
Мен аёл зотида дир жаҳон кўрдим,
У дарча инсоннинг маъсуми дунёди...

